



## ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИЖТИМОЙ МАЖБУРИЯТЛАР ЭВАЗИГА ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

**Ф.Муродов**

Когон туманлараро

иқтисодий суди раиси

<https://www.doi.org/10.37547/ejlfas-v03-i02-p1-13>

### ARTICLE INFO

Received: 05<sup>th</sup> February 2023

Accepted: 13<sup>th</sup> February 2023

Online: 14<sup>th</sup> February 2023

### KEY WORDS

*Инвестиция, давлат активи,  
IFRS, E-ijro Aukcion.*

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада инвестиция ва ижтимоий  
мажбуриятлар эвазига давлат активларини олди-  
сотди шартномаси бўйича суд амалиёти ёритилган.*

Мамлакатимизда ҳудудларида иқтисодий соҳани молиялаштириш, инвестицияларнинг технологик хусусиятларини оптималлаштириш йўи билан инвестицияларнинг юқори самарадорлиги таъминлаш масаласи тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Дарҳақиқат, инвестициявий ресурсларни миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришга кенг жалб қилишни глобаллашув замонининг ўзи ҳам талаб қилмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда қулай инвестициявий муҳитни яратиш, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, давлат улуши сақланиб қолаётган айрим тармоқлар ва йирик корхоналарда бозор механизмларига ўтишнинг кечикаётганлиги янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, илғор технологияларни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хусусий капитални фаол жалб қилган ҳолда янги иш ўринлари яратишга тўсқинлик қилмоқда.

Давлат иштирокидаги корхоналарда истеъмолчига йўналтирилган замонавий бошқарув усуллари, очиқлик, шаффофлик ва бозор тамойилларини жадал жорий этиш, таннархни пасайтириш орқали даромадларни ошириш, ислоҳотлар жараёнида хусусий капитал иштироки учун кенгроқ имкониятлар яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сонли Фармони қабул қилинган.

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош вазири бошчилигида тузилган ишчи гуруҳлари томонидан 3 мингга яқин давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти тўлиқ ўрганилганлиги ва иқтисодиётда давлат иштирокидаги корхоналарнинг



улушини кескин қисқартириш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинди.

Фармонда кўрсатилган вазифалардан келиб чиқиб, Молия вазирлиги томонидан давлат номидан акциядор (иштирокчи, мулкдор) ваколатлари ва функцияларини амалга оширишни ташкил этиш,

2021 йил 1 апрелга қадар 2019-2020 йиллар учун молиявий ҳисоботларни халқаро молиявий ҳисоботлар стандартлари (IFRS) асосида тайёрлаш ҳамда халқаро кредит рейтингларини олиш графигини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш,

2021 йил 1 апрелга қадар ҳар бир корхона учун нуфузли халқаро консалтинг ташкилотларини танлов асосида жалб қилган ҳолда молиявий соғломлаштириш, операцион самарадорликни ошириш ҳамда ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш,

2021 йил 1 июлга қадар харидлар ва бошқарув тизимларини аудитдан ўтказиш ҳамда «мувофиқлик тизими» (комплаенс) ва коррупцияга қарши хизматларни шакллантиришни назарда тутадиган замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш,

2021 йил 1 июлга қадар кузатув кенгашларига ва корхоналар бошқарувига халқаро танлов асосида чет эллик соҳа мутахассисларини (жумладан, ватандошларни) фаол жалб этиш орқали кузатув кенгашлари таркибининг камида 30 фоизини ва корхона бошқарувининг камида 3 нафар раҳбар ходимини малакали халқаро мутахассислар билан тўлдириш вазифалари белгиланди.

Бироқ, мазкур соҳадаги бир қатор муаммоларга ҳам кўз юмиб бўлмайди. Шу ўринда, суд амалиётидан бир мисол келтиришни лозим топдик.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Waves Investment Cluster” масъулияти чекланган жамияти ва Қоракўл туман ҳокимлигига нисбатан 2020 йил 13 августдаги 102-сонли олди-сотди шартномасини бекор қилиш ва жавобгардан 54.000.000 сўм миқдорида жарима ундиришни сўраган.

ИПК 30<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан инвестиция шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ низолар инвестициявий низолар бўйича ишлар жумласига киради.

Иш ҳужжатлари ва даъво аризасидан кўринишича, даъвогар, жавобгар ва ҳокимлик ўртасида 2020 йил 13 августда Қоракўл туман Қорахожи МФЙ Қорахожи қишлоғида жойлашган 32-сонли мактабнинг эски ўқув корпуси бино ва иншоотларини “E-ijro Auktion” электрон савдо майдончасига аукционга чиқариш орқали инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгиланган ҳолда сотиш бўйича 102-сонли олди-сотди шартномаси тузилган.

Шартноманинг 4.1-бандига кўра, харидор (жавобгар) мазкур шартноманинг 2-иловасига ва инвестиция киритиш режасига мувофиқ 360.000.000 сўм миқдоридаги инвестиция мажбуриятларини (мазкур шартнома кучга кирган санадан бошлаб) 24 ой мобайнида бажаради ҳамда шартнома объектида камида 8 та янги ишчи ўрни яратади.



Объектни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш эвазига объектда қонунчиликда таъқиқланмаган тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўяди.

Шунга кўра, даъвогарнинг масъул ходимлари томонидан ушбу объектда жойига чиқиб мониторинг ишлари олиб борилганда тарафлар ўртасида тузилган шартнома шартлари жавобгар томонидан қўпол равишда бузиб келинганлиги, жумладан объект ўз ҳолича ташлаб қўйилган бўлиб, инвестиция киритиш ишлари умуман амалга оширилмаганлиги аниқланган. Мазкур ҳолат иш материалларидаги инвестиция мажбуриятлари бажарилиши мониторинги далолатномалари билан ўз тасдиғини топади.

Шартноманинг 2-илоvasи ва тақдим этилган инвестиция киритиш режасига биноан бажарилиши юзасидан инвестиция мажбуриятларини бажариш жадвалига мувофиқ жавобгар томонидан инвестициялар киритилмаган, бунда 2022 йил 12 августга қадар шартнома бўйича бино-иншоотларни реконструкция қилиш, қурилиш-таъмирлаш ишлари, коммуникация тармоқларини ўтказиш, ҳудудни ободонлаштириш, асбоб-ускуна, жиҳозлар олиб келиш ҳамда объектда ўрнатиш сифатида киритилиши лозим бўлган 360.000.000 сўм миқдоридаги инвестициялар киритилмаган, шу билан бирга шартноманинг 6.6-бандига мувофиқ, жавобгар даъвогарга ҳар чоракда берилиши шарт бўлган инвестиция мажбуриятлари бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисобот ҳамда яратилган ишчи ўринлари тўғрисидаги маълумотни, шунингдек шартноманинг 6.7-бандига кўра, инвестиция мажбуриятлари бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисобот даврдан кейинги ойнинг 1-санасидан кечиктирмасдан тақдим этилиши ва инвестиция мажбуриятлари бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботга илова қилинадиган тўлов топшириқномалари нусхалари, божхона юк декларациялари, солиштириш далолатномалари, техник ҳолати кўрсатилган ҳолда асбоб-ускуналарни фойдаланишга топшириш далолатномалари киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда инвестиция дастурининг бажарилишини бориши, шу жумладан унда назарда тутилган ҳисоботни тақдим этиш санасидаги молиявий-иқтисодий параметрлари ҳақида бериб бориладиган ҳисоботлар даъвогарга умуман тақдим этилмаган.

Шартноманинг 6.2-бандига мувофиқ, инвестиция мажбуриятларини бажариш якунланиши билан ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) жараёнида инвестициялаш объектида ҳудуд, бинолар ва иншоотлар кўринишидаги ишлаб чиқариш қувватларининг камида 80 фоизидан жавобгар фойдаланиши лозимлиги белгиланган бўлсада, жавобгар томонидан мазкур мажбурият ҳам бажарилмаган.

Мазкур ҳолатда суд, жавобгар томонидан шартномада назарда тутилган мажбуриятлар лозим даражада бажарилмаганлигини ва шартнома шартлари қўпол равишда бузилганлигини инобатга олиб, даъвонинг тарафлар ўртасида тузилган 2020 йил 13 августдаги 102-сонли олди-сотди шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги талабини қаноатлантиришни лозим топган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво аризаси қаноатлантирилган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси, “Waves Investment Cluster” масъулияти чекланган жамияти ва Қорақўл туман ҳокимлиги ўртасида тузилган 2020 йил 13 августда Қорақўл туман Қорахожи



МФЙ

Қорахожи

қишлоғида

жойлашган

32-сонли мактабнинг эски ўқув корпуси бино ва иншоотларини “E-ijro Auktion” электрон савдо майдончасига аукционга чиқариш орқали инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгиланган ҳолда сотиш бўйича 102-сонли олди-сотди шартномаси бекор қилинган. Жавобгар “Waves Investment Cluster” масъулияти чекланган жамиятидан даъвогар Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси фойдасига 40.000.000 сўм жарима ва 24.000 сўм олдиндан тўланган почта харажати жами 40.024.000 сўм ундирилсин. Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад қилинган. Жавобгар “Waves Investment Cluster” масъулияти чекланган жамиятидан Республика бюджети ҳамда Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига 4.080.000 сўм давлат божи ундирилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш йўлида инвестицион низоларни тўғри ва асосли ҳал қилиш, шунингдек мазкур тоифадаги низоларнинг вужудга келишининг олдини олиш, мамлакатнинг мазкур соҳадаги қонунчилигини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш муҳим вазифалар ҳисобланади.